

Ю 25591

Гулнора Мусаева



# СИРЛИ ДАРЁ МАВЖЛАРИ



25591

10 0 | 2000A-1924

Mycaeba, T.

Селен гаше

сеабра.саше

2000A-1924

1999

1800

Гулнора Мусаева

СИРЛИ ДАРЁ  
МАВЖЛАРИ

Шеърлар

Тошкент  
"Қаторгол-Камолот"  
1999


Гулнора Янгибой қизининг шеърлари ҳайрат ва самимиятдан туғилган. Аёлларга хос назокат, куюнчаклик ўқувчини ром этади. Бу тўплам унинг кўп йиллардан буён ёзиб келган, аммо ҳеч кимга кўрсатмаган шеърларидан ташкил топган. Шоира бугун илк китобчасини ўқувчиларга дил тўла ҳаяжон ила тақдим этмоқда. Бу дийдорлашув самимий ўтиб, бардавом бўлишига тилакдошимиз.

ISBN 5-633-01088-4

M  $\frac{4702620206}{356(04)-99}$  1999

2559.1

10 0



© Гулнора Мусаева  
"Сирли дарё мавжлари", 1999

## БИЛМАЙСИЗ...

Оҳ, билмайсиз шовуллаган япроқлар,  
Сиздек мен ҳам титраб-титраб яшашим.  
Ногаҳонда тўкилган бир шабнамдек  
Гоҳо-гоҳо қуйилажак кўз ёшим.  
Оҳ, силкиниб тебранувчи қоматлар  
Қунишганча чайқалади беозор.  
Сиздек мен ҳам йироқларга мўлтираб,  
Мағрур бошим эгиб бўлдим гоҳ ночор.  
Шивирлайсиз, силкинасиз оҳиста,  
Сиз яшириб, пичирлайсиз безовта.  
Ўксиб-ўксиб овунган бу кўнгилда  
Соғинчларим тирнадингиз сиз қайта!  
Оҳ, билмайсиз, сиздек мен ҳам...

## ИНТИЗОРЛИК

Қорачиқдан ситилиб армон  
Сирғалади юракдан қайга?  
Менга кўнглим тортиқ айлаган  
Шаҳсуворим кўринмас нега?!

\* \* \*

Сизни жуда ёмон ранжитдим,  
Эркалигу тантиқлик боис.  
Меъеридан эрта қаритдим,  
Ўз вақтида тан олмоқ жоиз.

Кун, ҳафталар, ойлар ўтади,  
Йўлингизга термулиб, боқиб.  
Ҳар замонда эркалик қилсам,  
Кўтармайсиз наҳот, қоқиндиқ?

## НАЖОТ

Дўстим, кўзларимга тикилма хомуш,  
Уларни хиёнат қоплаб олмасин.  
Мен дўстдан айрилган дақиқаларни  
Тангрим ҳеч бандага раво кўрмасин.

Ўтиниб, узрингни айтмагин асло,  
Беҳуда ғавғога йўқдир тоқатим.  
Чиройли сўзлашни билмадим; аммо  
Самимий сўз учун ёмондир отим.

Ёлвориб, ёнимга келмагин ҳеч он,  
Кулни титкилашга борми ҳеч ҳожат?  
Кўзимни юмаман, қимирлар қалам,  
Бугун шеърятдан излайман нажот.

## ОНАМГА

Яна мени кузатдингиз,  
Шабнам каби кўзда ёш.  
Ташвишларим оғушида  
Кетмоқдаман олиб бош.

Яна мени кузатдингиз,  
То тонггача ухламай.  
Меҳрибоним, қололмайман,  
Ўзим қанча хоҳламай.

Яна мени кузатдингиз,  
Кўзда меҳр бир олам.  
Шу нигоҳдан юксакликка  
Интилади ҳар одам.



\*\*\*

Кўп сирларни айтгим келади,  
Ўн саккизга қайтгим келади.

Эртакларга айланган ишқим  
Юрагимга оташ солади.

У бахтли деб эшитганим бор,  
Тинч-тахтли деб эшитганим бор.

Бу қандай бахт, ногоҳ учрашсак,  
Туриб қолсак паришон, ночор?

Йиллар ўтди, бизлардан буюк,  
Кунлар ўтди бизлардан тирик.

Мудрагандек яшаб ўтдик-ку,  
Бошимизни кўтаролмай тик.

## ЎҒЛИМ

Савол бериб тинмай  
Шоширар ўғлим.  
Гоҳо сабримни ҳам  
Тоширар ўғлим.  
Лабчаларин буриб  
Қилади араз.  
Мовий кўзларида  
Йўқ гина, ғараз.  
Ҳайратдан яралган  
Ўғлим кўзлари.  
Ҳам ундан туғилган  
Савол, сўзлари.  
Дунёни қайтадан  
Ёшартиргандай –  
Қаршимда, келажак  
Савол сўргандай.  
Шошилиб гўдакка  
Жавоб излайман.  
Унга такрор-такрор  
Ҳайрат тилайман.

## БАХТ

Бахтим кемтик дейдилар баъзан,  
Наҳот уни айириб бўлса;  
Ярим севги, ярим нафратга  
Бир инсоннинг юраги тўлса?

Бу қандай бахт – даҳшат-ку ахир  
Парча-парча бўлса юраклар?  
Ярим орзу, ярим мақсадлар  
Ярим истак, ярим тилаклар...

Йўқ, йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмас,  
Тўкис бўлсин иқболу умид.  
Токи кўзда бўлмасин ҳадик,  
Тўкис бахт деб ҳар инсон тирик.

## ҲАЛИМА ОПАГА

Отам юрган, онам суйган тупроқнинг  
Куйчиси деб нолангизни суйдим мен.  
Сўздан қалбим сўзон бўлган чоғларда  
Юрагингиз ҳароратин туйдим мен.

Рашк ва армон тўлғотганда вужудни  
"Минг санамнинг" бири бўлиб йиғладим.  
"Янглиш кўндим" дея нола чексангиз  
Минг саволда юрагимни тигладим.

Ортингиздан суйиб юрдим муттасил,  
Ғамингиздан куйиб юрдим муттасил.  
Кўзингизга бир бор кўзим тушмасдан  
Дардингизга шерик бўлгум муттасил.

## МУНОЖОТ

Ёлғиз эгам, ягона эгам,  
Бунча йироқ айлади сени?  
Умид узмай ё кўниколмай  
Икки ўтда ёндирди мени.

Хотиржамлик берсанг-чи менга,  
Аро йўлда бўлдим саргардон.  
Шунча йиллар сиғиндим Сенга,  
Кўнглим эса хижилдир ҳамон.

Жамалак соч, содда бир қизни  
Бунчалар кўп йиғлатдинг, эгам?  
Мен "ё ҳаёт, ё мамот", десам,  
Ўзингдирсан меҳрибон ҳакам.

## ГЎДАК

Мен боламни суйиб, эркалаб,  
Оппоғим деб қўшиққа солдим.  
Оналикнинг минг ташвишини  
Мерос этиб онамдан олдим.

Гўдагимнинг шўх кулгусидан  
Маҳзун, ёруғ ўйларга чўмиб –  
Яшайпман катта умримни  
Фарзанд ва ёр меҳрига кўмиб.

Гўдаккинам, сени эркалаб  
Бағримга шод босгим келади.  
Гулдастадек шеъримни жамлаб  
Кўкрагингга осгим келади.

## ҒИЗЛАР ИШҚИ

Адирларда очилиб лола,  
Чорлаб турар бахтли висолга.  
Ёноқлари ранг олиб ундан,  
Ғизлар интиқ туришар ёрга.

Сочларини ўйнаса сабо,  
Чимрилади камондек қошлар.  
Тинчлик бермай юракда олов  
Лолазорга ғизларни бошлар.

Япроқ каби нозик қалбида  
Гул сингари ранго-ранг туйғу.  
Вужудида кезар бир оташ,  
Ёноғида лоларанг кулгу.

## ЎТИНЧ

Ўша бўлди менинг армоним,  
Юракдаги мадор, дармоним.  
Шамолдан ҳам қизғониб, суйган  
Жондан ортиқ кўрган "ёмоним".

Уни мендан этмагил жудо,  
Жони омон бўлсин, илойим.  
Суйганимни паноҳингга ол,  
Ёлғизимни асра, худойим.

## ТОНГ

Тонг оппоқ ҳаририн кўтариб,  
Судралиб, керилиб келади.  
Унинг пок, мусаффо бағрида  
Саболар қўшиғи елади.

Бу қутлуғ янграган қадами  
Бир эзгу оламга чорлайди.  
Тонг келар, у кетар, қалбимда  
Ёруғлик, тароват порлайди.



## ГУЛ ЮЗЛИГИМ

Эрта кетди эрка чечагим,  
Ойдин юзли, гул келинчагим.  
Гулдай кўнгли тунга чўлғанди,  
Армонидан дунё тўлғонди.  
Қотиб қолган қорачиғида  
Азобларинг кўланкаси бор.  
Гулгун юзли, гул келинчагим,  
Париларга бўлсин энди ёр.

\* \* \*

Йўлларимга нигороним, меҳрибоним  
Қўш кабутар мисол икков юрар эдик.  
Фанимларнинг юрагига оташ солиб,  
Тақдиримиз зарбасидан дакки едик.  
Шериккинам, қадрдоним, йўлдошим,  
Сирларимга ошно бўлган сирдошим.  
Ёлғиз қолдим дунёсида тентираб,  
Яшамоққа етармиқан бардошим?

## СИЗ

Бу дунёда Сизга ишониб,  
Яшаяпман мағрур ва кибор.  
Сиз биландир ёруғ бу олам,  
Сизсиз дунё кўзларимга тор.

Сиз деганда сабрман, тошман,  
Бўғзида қон қотган бардошман.  
Илинж билан илиниб турган  
Киприкдаги энг сўнгги ёшман.

Сиз деганда айланар бошим,  
Кўзларимдан оққанча ёшим...  
Сув симириб, тошни кемириб –  
Кутмоқликка етар бардошим.

Жонингизга жоним берайин,  
Ёнингизда ўзим турайин,  
Оллоҳимдан ёлғиз сўровим –  
Сўнгги дам ҳам Сизни кўрайин...

## ҚИЗГИНА

Оҳиста сирқирар юрагим,  
Азоблар йўлладинг жонима.  
Беаёв қийнадинг, зулмкор,  
Ё қалбинг ситамлар конима?  
Жонима, жонима, жонима...  
Кулмагин ҳолима, ҳолима...

Сирпаниб, сирғалиб, ийманиб,  
Шаббода киради уйима.  
Онам оқ кўйлакни тикдилар,  
Азизим, бу меннинг тўйима,  
Жонима, жонима, жонима,  
Сўрмадинг, ҳолима, ҳолима.

Арғимчоқ солганча турналар  
Олисга учишар тизилиб.  
Ҳовлида бир гала одамлар,  
Орамиз қолмоқда узилиб.  
Жонима, жонима, жонима,  
Йиғлама ҳолима, ҳолима...

Йигитлар қуршаган навқирон  
Келади, қўлида гулдаста.  
Мангуга жўнадим, Сен ишон,  
Мўралаб бўзладим оҳиста.  
Жонима, жонима, жонима,  
Келмадинг ёнима, ёнима.

## ХАЛҚ ЙЎЛИДА

Қошингизнинг қаролиги, қайрилгани –  
Қалдирғочнинг қанотига ўхшайди-ей.  
Ёрингизнинг суйиб-суйиб айрилгани –  
Ваъдасидан тонганига ўхшайди-ей.  
Арғимчоқдек тизилишиб турналарим,  
Олисларга жўнаганга ўхшайди.  
Суйганигни олиб кетмоқда кимлар,  
Йўлга гулдан пойандозлар тўшайди.  
Киприкларинг пирпирайди оҳиста,  
Маржон-маржон марваридлар тўкилди.  
Вафо деган сознинг ипак торлари  
Чокларидан битта-битта сўкилди.

## АЁЛ

Мен азоб нелигин тортганлар ичра,  
Армонли, фироқда кетганлар ичра,  
Ёлғизлик дардидан йилларки қўрқиб,  
Умри ёлғизликда ўтганлар ичра;  
Бир инсон кўзига зор бўлиб ўтган,  
Бир фарзанд кўзида хор бўлиб ўтган,  
Дунёнинг паст-баланд сўқмоқларида  
Якка-ёлғиз кезиб пиёда кетган –  
Бир она тақдири менинг тахтимда,  
Бир аёл қисмати менинг бахтимда.

## ҲАСРАТ

На қилай, бир лаҳза унутолмасам,  
На қилай, сендан ҳеч қутулолмасам.

"Тамом, унутдим!" – деб сарғаяр рангим,  
Шеъримда акс этар соғинч, фарёдим.

Ўртайди, ўртайди дилни фиғонлар,  
Кўзимда мангуга қотган армонлар.

На қилай, тушларим сенсиз ўтмаса,  
На қилай, суратинг кўздан кетмаса.

Бу қандай азобки, чеки кўринмас,  
Дил очиб, сирлашиб бўлмас бир нафас.

Бугун раҳмим келиб кетди ўзимга,  
На қилай, ажинлар тушди юзимга.

Ишқинг ва соғинчинг ҳамон бошимда,  
На қайтар, на кетар, ҳануз қошимда.

## ИККИ МАКТУБ

### I

Дил ойнаси бир парча қоғоз,  
Нигорондир кўзларим унга.  
Татимас ҳеч баҳор-у, куз, ёз  
Бу не ҳолат, не дейсиз бунга?!

Қўлларимга оламан қалам,  
Интиқ кўзлар ёшланар бир дам.  
Туйғуларим қуйилиб келар,  
Ёзолмайман, ўртайверар ғам.

Йўллар олис, масофа узоқ,  
Қуш қаноти даркор висолга.  
Нурли умид бахш этар мактуб,  
Азиз сиймонг чизар хаёлга.

### II

Тағин ёдга тушди жамолинг,  
Хаёл этар сен томон парвоз.  
Банд айлади мени хаёлинг,  
Ўз ҳолимга қўйсанг-чи, бироз.

Юлдузларга энтикиб тунлар,  
Соғинчимни сўйладим майин.  
Фулу солар руҳимга ҳижрон,  
Ёдинг ўртар кун ўтган сайин.

## ОВОЗ БЕР...

Бегонасан, бош силкитасан,  
Ўз ташвишинг, дардинг етарли...  
Шунча йиллар ўтди, билмайсан,  
Кун ўтмади сенсиз, деярли.

Қачонлардир атаб олинган  
Либосларга эга топилди.  
О, мен учун ёруғ дамларнинг  
Қисқа умри мангу ёпилди...

Айт-чи, мендан гўзалмиди у,  
Шунча суюк, афзалмиди у?  
Гулларингга эга бўлдим у,  
Толеингга эга бўлди у...

Бегонасан, келиб-кетмайсан,  
Ўзгалардек хатлар битмайсан.  
Шунча йиллар ўтди, билмайсан!  
Хаёлимдан бир дам кетмайсан...



## АЯЖОНИМ

(Тўпаниса Пўлат қизига)

Бегойим, бекларойим,  
Париларга ошнойим,  
Сирларимга сирдош бўлиб,  
Дард тортишган дилкашойим.

Бағрингизнинг иссиқ тафти  
Оловларга туташмиди.  
Аёлликнинг сўқмоқлари  
Тақдиримга ўхшашмиди?

Ҳасратларим маҳзун тинглаб,  
Суягувчи танти – бойим.  
Рўзфоримнинг чархпалаги  
Қалбингизни ўртар доим.

Ҳар юракка қулоқ тутиб  
Малҳам бўлган – меҳрибоним.  
Умр карвон – сўқмоғида  
Йўлдошим – отинойим.

Бегойим, бекларойим,  
Париларга ошинойим.  
Уйим тўри бир умр  
Сизга бўлсин, илойим...

## ОДАМ

Уни суймасдилар...  
Тўйида яйрашиб,  
Азасида куймасдилар,  
У ёлғонни тез  
Илғаб оларди.  
Сўнгра барчасин  
Қувиб соларди.  
У шунчаки суёлмайди,  
У шунчаки куёлмайди.  
Давраларда, баҳсларда  
У ёлғондан кулолмайди.  
Уни суймасдилар,  
Тўйида яйрашиб,  
Азасида куймасдилар.  
Ундан қўрқардилар...

## ОҚ КАБУТАР

Оқ кабутар учиб ўтди,  
Деразамнинг ёнидан.  
Балки хабар олиб қайтар  
Ёргинамнинг ҳолидан.

Не учундир оппоқ қушим,  
Мендан ўзин яширар.  
Не гаплигин айта қолмай,  
Ақлу ҳушим шоширар.

Ёр хиёнат қилдимикин,  
Нечун қушим безовта?  
Соғинч, армон ҳисларини  
Қўзғаб кетди у қайта.

Оқ кабутар учиб ўтди,  
Деразамнинг ёнидан.

\* \* \*

Узоқ азоблардан туғилган эҳсон,  
Термулган нигоҳлар юпатар дилни.  
Куйган юрагимга арзанда меҳмон  
Яйратиб, кувнатиб, сайратар дилим.

Сени самоларга раво кўрмайман,  
Ерда юрмоғинг ҳам малолдир менга.  
Шу қадар суюксан, қадрли, азиз  
Ўлгунча бермасман Сени ҳеч кимга!

## ДЎСТИМ КЕТДИ

*Азизанинг ўчмас хотирасига*

Зимистонга айланди дунё,  
Боғларим ҳам шумшайиб қолди.  
Мен дўстимсиз яшадим бир кун,  
Юраккинам ҳасратдан тояди.

Кетди, ахир қувончим кетди,  
Кеча-кундуз, суёвчим кетди.  
Ғамга малҳам, юпанчим кетди,  
Дилдаги зўр ишончим кетди.

Йиғла, ўлим, ўкиргин дунё,  
Сочинг оппоқ бўлмоғи керак.  
Яна бундай дўст туғилгунча  
Минг бир мардинг ўтиши керак.

Кетди, ахир суйгувчим кетди,  
Дардларимга куйгувчим кетди.  
Мурувватли, бағри бир осмон  
Шоир дўстим, дегувчим кетди.

Бир бандага кенг дунё торми,  
Яхшиларга Ҳақ харидорми,  
Қутлуғ қадам, фаришта юзли –  
Азизам ҳурларга ҳамроҳу ёрми?

## СУЯНЧ ТОҒИМ

Болаликнинг боғларида  
Кулгуларим, қувончларим.  
Чангга ботиб, йиғлаб кирсам  
Салобатли юпанчларим.

Катта йўлга отланганда  
Бел боғлаган мардим, дадам.  
Яхши-ёмон, давраларда  
Иззат-нафсим, қадрим, дадам.

Минг сўқмоқда минг адашиб,  
Ортга қайтсам, тоғим, дадам.  
Кичик ҳовлим – катта Ватан,  
Яшнатгувчи боғим, дадам.

Нур ёғилар кўзингиздан,  
Бол томади сўзингиздан.  
Сиз кутгандек бўлмаса ҳам  
Ранжмайсиз қизингиздан.

## ИҚРОР

Дил тубига беркитдим,  
Энди сиз жонимдасиз.  
Сизга талпиндим, етдим,  
Қўл узатсам, ёнимдасиз.  
Халоскорми, гуноҳкорми  
Не деб Сизни атайин?  
Қандоқ қилсам Сиздан кечиб  
Сиздан аввал кетайин?  
Сиз жон қадар азизсизки,  
Жон бермоққа ҳолим йўқ.  
Аҳён-аҳён кўриб юрсам –  
Дилим равшан, кўнглим тўқ.  
Оллоҳимдан бундай бахтни  
Сўрамовдим, билмовдим.  
Ўзгаларнинг дардин тинглаб,  
Қўлим силтаб кулмовдим.  
Рашк ва соғинч чулғаганда  
Ўт туташар жонима.  
Ёлғиз Оллоҳ гувоҳ эрур  
Ул дамдаги ҳолима.  
Сиздан кечиб кетолмайман,  
Кучим етмас ўзима.  
Қўл узатиб етолмайман,  
Худо берсин тўзим-а.

## ОТАМ

(Раҳматли қайнотам Эргаш Мусо ўғли  
хотирасига)

Отам ордда тоғим эди,  
Тоғим нуради.  
Юракдаги зўр ишончим  
Ногоҳ қулади...  
Дилдаги ишонч тоғи  
Чайқалди-ку бехосдан.  
Бахтга ташна бир аёл  
Ёр йўқотди нохосдан.  
Сув тутган қўлларида  
Пиёла қалтирайди.  
Эллик йиллик қадрдон  
Сўнгги бор ҳол сўрайди.  
Саратоннинг иссиғиям савр экан,  
Бирга ўтган ҳар дақиқа давр экан.  
Ўлим курсин, гуриллаган ўтдайин,  
Юракларни кемиргувчи қуртдайин.  
Ўтди умр, меҳнат билан,  
Қўлда кетмон ғайрат билан.  
Бойлик эди – бир уй бола,  
Шу тўполон – давлат билан.  
Айланч-айланч кўчаларда  
Айланади бошим маним.  
Ота дея армон билан  
Кўздан оқди ёшим маним.  
Ой ботдими осмонда-ей,  
Юлдуз учди нохосдан...  
Оталикнинг буюк тахти  
Қулаб тушди бехосдан...



## МАКТУБ

Она, сал бевақтроқ тўзимоқдаман,  
Тўзғигани каби бебош хаёллар.  
Умрим бўшлиқларга совурмоқдаман,  
Совургани каби юзлаб аёллар.

Тотли, ёруғ эди ўйларим,  
Орзуимдан дунё титрарди.  
Эзгуликка чорлаб куйларим,  
Истиқболим пешвоз турарди.

Она, келгин, бағрингга босиб,  
Эркалагин, далда бер менга.  
Қучоғингда боладек ёниб,  
Дардларимни очайин сенга.

## ЧОРЛОВ

Сенга атаб қўшиқлар битдим  
Ёдинг ила ўтди кечалар.  
Остонагда йиғладим, кетдим  
Мендек яна куйди нечалар.

Висолингдан умидим толди,  
Чулғаб олди ширин армонинг.  
Ўжар орзу бағрига олди,  
Етаклади сирли жамолинг.

## ОНАМАН

"Болалик уй бозор" дейдилар,  
Шу бозорда қайнар ҳаётим.  
Унутганман ўз номимни ҳам:  
Она деган эъзозда отим.

## ТИРИКЛИК

Беҳаракат, бемақсад умр –  
Қуриб қолган булоққа ўхшаш.  
Тирикликнинг ҳикмати ахир  
Курашларда чиниқиб яшаш.

## КУЙ

Тўлғониб-тўлғониб оҳиста,  
Симларда бир садо кезади.  
Титраган асабий бармоқлар  
Урилиб, бешафқат эзади.

Тортилиб боғланган ипларда  
Қуш каби учмоқлик ҳаваси.  
У йиғлар, ёлворар ҳавода,  
Янграйди музаффар куй саси.

Тўлғониб-тўлғониб оҳиста  
Янги куй дунёга келмоқда.  
Асабий титраган бармоқлар  
Симларда бешафқат елмоқда.

## КЎЗЛАРИНГ

Кўзларингни қуйласам ёниб,  
Чизиб берсам ёниқ ҳисларни.  
Шу кўзларнинг телбаси бўлиб,  
Қуйлаб ўтай мангу уларни.

Қисматимнинг шод кўчасида  
Сен рўбарў келдинг ногаҳон.  
Бир оташин туйғу сеҳрлаб,  
Қучоғига чорлади шу он.

Мен шоирман, ҳаёт ошиғи,  
Турфа олам шайдоси мангу.  
Осмон каби нурли дилимда,  
Кезиб юрар сирли бир туйғу.

## ҚАЙЛАРДАСАН

Кўзим қорасидек қачонлар  
Авайладим киприklar ила.  
Хушнуд этиб, бахтиёр дамлар  
Деяр эдинг, тилагинг тила...  
Қайлардасан?

Сўқмоқ йўлим айланиб ёлғиз,  
Нигоҳларим йиғлар саргардон.  
Телба руҳим кўтариб туғён  
Муштоқ кўзлар термилар гирён.  
Қайлардасан?

Сочим каби қаро толалар  
Дилгинамга бехос туташди.  
Соғинчларга бурканиб севги,  
Айрилиқда йўлдан адашди.  
Қайлардасан?

## БАҲОР

Қалбдаги музларни секин эритиб,  
Дилдан ғуборларни тамом аритиб.  
Қишнинг чилласини ҳайдаб, қаритиб,  
Баҳор кириб келди бизнинг дилларга.

Биз Сени соғиндик, соғиндик, Баҳор,  
Мавжланиб оқади жиловсиз анҳор.  
Фасллар ичида ягона, кўркам  
Келинчакдек гўзал, сўлимсан эркам.

Биз Сени соғиндик, соғиндик, Баҳор..

## ҚЎШИҚ

Эй, ёри жоним, ҳажрингда  
Танда мадор қолмади.  
Ишқингда адо юракни  
Ажал комига олмади.

Қайга борсам интизор  
Термулар кўз йўлингга.  
Куйиб, садпора бўлган  
Таним тутай қўлингга.

Кечалар, тун зулмати  
Ичра юлдуз чақнади.  
Юлдуз сиймога маҳтал,  
Дилим куйиб, қақради.

Гул тўшадим пойнингга  
Битта-битта босиб кел.  
Соғинчимни шивирлаб  
Сочларингни силар ел.



## ЗАЙНАБ

Зайнаб асли бахт истаган оддий аёл,  
Толе берган бахтсизликдан ҳайрон ва лол.  
Эл ичида "ёмон отлик" бўлавериб,  
Пешонасин шўрлигидан қадлари дол.

Тақдир берган бахтдан сархуш Кумушлар  
Истаган пайт Отабегин кутади.  
Бир парча Бахт аягани толедан –  
Ранжиб, Зайнаб тонггача қон ютади.

Асли, Зайнаб орзуларин биласизми,  
Сиз ҳам ундек армон, алам туясизми?  
Унингдайин дарвешона ошиқ бўлиб,  
Рад этилгач, мамнун кула оласизми?

Йиғлаб юрган Зайнаб камми бу дунёда,  
Отабеклар икки йўлда сарсон, кезар.  
Муҳаббати эл ичида қора отлик  
Зайнабойлар толе берган дарддан безор.

Зайнаб асли бахт истаган оддий аёл...

## ЭСЛАШ

Бир қўшиққа айланиб қолдинг,  
Яшаяпман мен уни куйлаб.  
Узун тунлар хаёлим олдинг,  
Энтикаман юлдузга сўйлаб.

Бир қўшиққа айланиб қолдинг  
Ҳар мисраси чиқар ичимдан.  
Эслаб, балки хаёлга толдинг,  
Садо кутиб яшадим сендан.

Бир қўшиққа айланиб қолдинг,  
Оҳанглари, дилим эзади.  
Вужудимни беҳол титратиб,  
Сен қолдирган қўшиқ кезади.

Бир қўшиққа айланиб қолдинг...

\* \* \*

Эшиксиз, туйнуксиз қоронғу уйга,  
Ўхшайди, умидсиз бўм-бўш бу юрак.  
На армон, на орзу бўлмаса дилда,  
Айтинг-чи, бу ҳаёт не учун керак?

Шодликни билмайин, ғамни сезмайин,  
Дилимда қотганча тошдайин қаҳр.  
Бағритош одамлар ичида сарсон,  
Боладай ҳайратим излайди меҳр.

## ИНТИҚЛИК

Менга қараб шошилмас,  
Йўлинг шунча йироқдир.  
Ҳар қадамнинг сеҳрли,  
Юрар йўлинг тузоқдир.

Зор этдинг, ҳайрон этдинг,  
Сени излаб, сўйлайман.  
Айтилмаган ишқимни  
Қўшиқ этиб куйлайман.

Келгин, ёрим, келсанг-чи  
Юрак-бағрим қон бўлди.  
Сен келарда, берарга –  
Қўлимдаги жон бўлди...

## ХАВОТИР

Умримнинг кузида очилган чечак,  
Бемаврид шамоллар совурмасайди.  
Лаҳзалик қувончни бахшида этган  
Оллоҳим, шу бахтни ҳеч олмасайди.  
Топган топинганим Сен бўлдинг,  
Кўриб йўқотганинг Мен бўлдим.

## ДЎСТЛАРИМ

Ортда тоғим бордек мағрур юраман,  
Қайда бўлмай меҳрингизни туяман.  
Қувончингиз қаддимни ғоз этади,  
Ғамингизга Сиздан кўпроқ куяман.

Ёлғон дунё ёлғонидан безганда,  
Гоҳи бозор, гоҳи мазор кезганда.  
Яшашим шартлигин ичдан сезганда —  
Эртак бўлган, илҳом бўлган дўстларим.

## ЯНГАРИШ

Ҳеч кимса ўхшамас, азизим, Сизга.  
Кўзимни юмаман, айланар бошим.  
Бағримга иссиқ бир шамоллар тегди,  
Умр ўтиб, энди қайтганда ёшим.

Дунё, ёшлигимни қайтиб бер менга,  
Боримни бахшида этайин Сенга.  
Боғимда хазонлар тўкилган палла –  
Кўксимда муҳаббат айтмоқда ялла...

## Мундарижа

Билмайсиз...	3
Интизорлик	4
"Сизни жуда ёмон"	4
Нажот	5
Онамга	6
"Кўп сирларни"	7
Ўғлим	8
Бахт	9
Ҳалима опага	10
Муножот	10
Гўдак	12
Қизлар ишқи	13
Ўтинч	14
Тонг	14
Гул юзлигим	15
"Йўлларимга нигороним"	15
Сиз	16
Қизгина	17
Халқ йўлида	18
Аёл	19
Ҳасрат	20
Икки мактуб	21
Овоз бер...	22
Аяжоним	23
Одам	24
Оқ кабутар	25
"Узоқ азоблардан"	26



Дўстим кетди .....	27
Суянч тоғим .....	28
Иқрор .....	29
Отам .....	30
Мактуб .....	31
Чорлов .....	32
Онаман .....	33
Тириклик .....	33
Куй .....	34
Кўзларинг .....	35
Қайлардасан .....	36
Баҳор.. .....	37
Кўшиқ .....	38
Зайнаб .....	39
Эслаш .....	40
"Эшиксиз, туйнуксиз" ... .....	41
Интиқлик .....	42
Хавотир .....	43
Дўстларим .....	44
Янгариш .....	45

Адабий-бадний нашр

Гулнора Мусаева

СИРЛИ ДАРЁ МАВЖЛАРИ

Шеърлар

Муҳаррир

*Аъзам Уктам*

Мусаҳҳиҳ

*Эркин Дорипов*

Ношир

*Тўлқин Нурмуҳаммад*

Техник муҳаррир

*Елена Нафикова*

ИБ № 3391

Босишга 13.07.1999 йилда рухсат этилди. Бичими 35x42 1/16. Ялтироқ силлиқ қоғоз. Жами 2000 нусха. Буюртма № 216.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Ёшлари "Камолот" жамғармаси "Қатортол-Камолот" ишлаб чиқариш-нашриёт корхонаси. 7000113, Тошкент, Чилонзор, 8-мавзе, Қатортол кўчаси, 60.

"OFSET-PRINT" босмахонаси.

Тошкент, Қирққиз кўчаси, 10-уй.





Гулнора Мусаева Сирдарёда туғилган. 1980-1985 йиллар мобайнида ТошДУ журналистика факультетида ўқиган. "Олмалиқ тонги", "Спорт" газеталарида ишлаган. Шеърлари матбуотда эълон қилинган.